




# **«АГРАР СОҲАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ»**

**мавзусидаги профессор-ўқитувчи ва ёш олимларнинг**

**I-илмий-амалий конференцияси материаллари**

**ТЎПЛАМИ**

*30-31 май 2017 йил*

**Тошкент**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ**  
**КАДРЛАРТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ**  
**ИННОВАЦИЯ ВА ИНТЕГРАЦИЯ МАРКАЗИ**

*2017 йил - Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” га*  
бағишланган

**“АГРАР СОҲАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАН,**  
**ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ”**  
мавзусидаги профессор-ўқитувчи ва ёш олимларнинг  
**1-илмий-амалий конференцияси материаллари**  
**ТЎПЛАМИ**

*30-31 май 2017 йил*

Тошкент-2017 йил

#### Использованная литература:

1. Шаймарданов Б.П. Безотходная технология переработки бахчевых / Тезисы докл.научн.-техн.конф., посвященной к 60-летию ТИИИМСХ, –Ташкент.: –1994. –С.76–77.
2. Патент UZ № Устройство для удаления кожуры с плодов дыни / Рахматов О.,О. и др. опубл.Б.И.№3. от 31.03.2017 г.
3. Патент № FAP 01020 (UZ) Комбинированная сушильная установка для сельскохозяйственных продуктов. /Рахматов О., Нуриев К.К., Юсупов А.М. опубл. Б.И. № 2015.
4. Нуриев К.К., Рахматов О.О., Курбанова С.Э. Технологическая линия для получения вяленой дыни Аграрная наука–сельскому хозяйству: X междунар. Науч.прак.конф.сб.стат. Кн.3: Барнаул, 2015–С.85–88.
5. Методика определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве конструкторских работ, новой техники, изобретений и рационализаторских предложений. – М.: ВНИИПИ, 1983.

\*\*\*\*\*

### ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

З.С.Искандаров, З.З.Джамалов, Г.М.Абдиева<sup>1</sup>

Тошкент давлат аграр университети,  
Тошкент давлат аграр университети нукус филиали<sup>1</sup>.

Мамлакатимизни ички истеъмол бозорини йил давомида мева-сабзавот маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, қайта ишлаш корхоналарини хом ашё билан мунтазам таъминлаш, шунингдек рақобатбардош мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт салоҳиятини оширилиши белгиланган. Республикаимизда 2010-2015 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳажми, ҳамда бу маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш динамикаси келтирилган.

**Калит сўзлар:** Қишлоқ хўжалиги, истеъмол бозори, қайта ишлаш корхоналари, мева-сабзавот маҳсулотлари, ишлаб чиқариш саноати.

**Қириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги “2017-2021 йилларга мўлжалланган Қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2717 сонли қарори, ҳамда 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520 сонли қарорлари қабул қилинган соҳани янада ривожлантириш бўйича бир қанча дастурлар белгилаб олинди.[1]

**Услублар ва материаллар.** Мамлакатимиз ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, қайта ишлаш корхоналарини хом ашё билан мунтазам таъминлаш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажминини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизим шакллантирилди.


**Тадқиқот натижалари.** Республикаимизда 2010-2015 йилларда сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари етиштириш суръатлари жадал ривожланмоқда (1-жадвал ва диаграмма).[2]

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйича мева сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

минг. тона

| Маҳсулотноми | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил | 2013 йил | 2014 йил | 2015 йил |
|--------------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|
| Сабзавот     | 6346,4   | 6993,7   | 7766,5   | 8515,9   | 9286,7   | 10128,1  |
| Картошка     | 1692,9   | 1862,4   | 2056,1   | 2250,4   | 2452,4   | 2696,7   |
| Полиз        | 1182,4   | 1294,7   | 1418,4   | 1558,0   | 1696,1   | 1853,1   |
| Мева         | 1710,4   | 1871,1   | 2052,6   | 2260,9   | 2490,6   | 2746,2   |
| Узум         | 987,4    | 1090,2   | 1204,6   | 1322,1   | 1441,2   | 1579,0   |
| Жами         | 11919,5  | 13112,1  | 14498,2  | 15907,3  | 17367,0  | 19003,0  |




Маълумки ушбу етиштирилган сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари уруғликка, қайта ишлашга, экспортга ҳамда аҳоли истеъмолига йўналтирилиши белгилаб берилган. Қуйида Республикаимизда

2010-2015 йилларда етиштирилган мева-сабзавот махсулотларининг ишлаб чиқариш динамикаси келтирилган (2-жадвал ва диаграмма).[3]

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси етиштирилган мева-сабзавот махсулотларининг ишлаб чиқариш динамикаси

| Махсулот номи         | Ўлчов бирлиги | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил | 2013 йил | 2014 йил | 2015 йил |
|-----------------------|---------------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|
| уруғликка             | Тн            | 408,1    | 426,8    | 473,1    | 517,5    | 581,8    | 628,1    |
| қайта ишлашга         | Тн            | 1271,1   | 1366,3   | 1465,1   | 1971,9   | 2296,5   | 2549,2   |
| экспортга             | Тн            | 628,1    | 777,0    | 471,4    | 676,8    | 605,8    | 589,3    |
| аҳоли истеъмолига     | Тн            | 9612,2   | 10573,3  | 12088,6  | 12741,1  | 13882,9  | 15236,3  |
| Ишлаб чиқариш – жами: | Тн            | 11919,5  | 13143,4  | 14498,2  | 15907,3  | 17367,0  | 19003,0  |




Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 декабрдаги 2458-сонли қарорига асосан 2016 йилнинг II чорагида 43 та лойиҳалар бўйича ишлар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, амалда капитал қўйилма ўзлаштириш прогнози 112,6 фоизга бажарилди ва бунинг натижасида 8,3 млн. долл. ўзлаштирилди.

Худудий инвестиция дастурлари доирасида маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда 2016 йил I чорагида режадаги 191 та ўрнига 237 та лойиҳа амалга оширилиб, 1745 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Бошқачароқ қилиб айтганда, 97 та янги корхона барпо этилди ва 140 та корхона замонавий ускуналар билан қайта жиҳозланди.

Мева-сабзавот махсулотларини ва узумни қайта ишлаш корхоналарининг эски ускуналарини янги, замонавийларига алмаштириш йўли билан модернизациялашга катта аҳамият берилмоқда. Кейинги 10 йил ичида Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Андижон, Наманган ва Хоразм вилоятларидаги мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхоналарида Швейцариянинг “BUHLER”, Италиянинг “FBR ELPO” Германиянинг “FLOTBERG”, Голландиянинг “GEERLOFS” компанияларининг энергия тежамли линиялари ўрнатилди. “Agromir Samarqand”, “Master Global Plus”, “Gold Dried Fruits” ва “Green World” қўшма корхоналарида Швециянинг “TETRA PAK” ва Германиянинг “Hans Binder Maschinenbau” компанияларининг асептик кадоклаш ва қуритиш линияларини хорижий ҳамкорлар ёрдамида ўрнатилиши натижасида юқори сифатли, халқаро стандартлар талабларига жавоб берувчи табиий мева-сабзавот шарбатлари, нектарларни ва қурилган мева-сабзавот махсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда ички ва ташқи бозорларга сотиш имкониятига эришилди. Республикаимизнинг ишлаб чиқариш саноатида, озиқ-овқат саноатининг улуши 18,2 % гача ошди.

Озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноатининг, Республикаимизнинг ишлаб чиқариш саноатидаги ўрнини ошишини қуйидаги диаграммада[4] кўришимиз мумкин:



**Хулоса, таклиф ва тавсиялар.** Мамлакатимиз ички истеъмолат бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз махсулотлари билан барқарор тўлдириш, қайта ишлаш корхоналарини хом ашё билан мунтазам таъминлаш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта

ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини, соҳага оид чет-эл инвестициялари ва энергия тежамкор технологияларини мамалкатимизга олиб киришни янада кўпайтириш ва кенгайтириш лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=2931142](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2931142) Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 145-модда, 38-сон, 447-модда)
2. З.С.Искандаров, Р.К.Токтаёнов «Состояние, проблемы и перспективы развития перерабатывающей плодовоощной отрасли Республики Узбекистан» Ташкент 2017 г.
3. <http://agro.uz/uz/>
4. <http://oziq-ovqat.uz/post/view/58>

\*\*\*\*\*

## ПЕКИН КАРАМИНИ ТУРЛИ МУДДАТЛАРДА ЕТИШТИРИШ. ТЕХНОЛОГИЯСИ

У.Х.Хуррамов

Тошкент давлат аграр университети

Мақолада пекин карамини уруғларини сепиш энг қулай муддати июл ойи бўлиб, лекин август ойлари бошидан ҳам уруғларини сепиб яхши ҳосил етиштириш мумкинлиги туғрисида ва пекин карамини энг қулай экиш муддатларини аниқлаш бўйича олинган тажриба натижалари баён этилган.

**Қалим сузлар:** Пекин карами, нав, дурагай, карам боши, ҳосилдорлик юзаси, эртапишар, турли муддатлар, озикланиш майдони, барг, барг юзаси, карам вази.

**Кириш.** Марказий Осиёда пекин карами ноанъанавий экин ҳисобланиб, тўлиқ ўрганилмаган экин ҳисобланади. Шу боисдан, уни эртапишар, серҳосил навларни танлаш, етиштириш технологиясининг асосий элементларини ишлаб чиқиш ва аҳоли ўртасида оммалаштириш долзарб илмий муаммо ҳисобланиб, мамлакатимизда сабзавот экин турларини кўпайтиришда амалий аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалик экинларини энг қулай экиш муддатларини аниқлашда, ўсимликнинг биологик хусусиятлари, жойнинг тупроқ ва иқлим шароитлари муҳим аҳамиятга эга. [1]

**Методика.Тажриба услублар.** Энг қулай экиш муддатларини аниқлаш мақсадида: Дала тажрибалар 2015-2016 йилларда, Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтининг тажриба хўжалиги майдонида олиб борилди. Пекин карами 4 муддатларда 1 июл, 10 июл, 20 июл ва 1 августда экилди. Вариантлар ичидан 10 июлни солиштирма вариант сифатида танлаб олинди. Дала тажрибалари 4 та такрорланиш, озикланиш майдони 7 м<sup>2</sup> кичик майдончаларда олиб борилди. Ушбу тажрибада Ўзбекистон Республикасида районлаштирилган пекин карамини Ча-ча дурагай кўчатлари 70×30 см ораликда экилди.[2, 3, 4]

**Тажриба натижалари.** Пекин карамининг кўчатларини тайёрлаш учун унинг уруғлари очик далада озикланиш майдони 6×6 см<sup>2</sup> ли тувакчаларга экилди ва 20-25 кун давомида парвариш қилинди.

Пекин карамининг уруғлари 4-6 кун давомида униб чиқди, лекин турли муддатларда экилган уруғлар униб чиқиш миқдори турлича бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

#### Уруғларнинг униб чиқиши (2016 й)

| Экиш муддатлари | Экилган уруғлар сони, дона | Кўқарган уруғ миқдори, муддати. |       | Кўқарган уруғ сони, дона | Кўқарган уруғ миқдори, % | Чин барглари ҳосил бўлган муддат. |       |       |       | Назоратга нисбатан |     |
|-----------------|----------------------------|---------------------------------|-------|--------------------------|--------------------------|-----------------------------------|-------|-------|-------|--------------------|-----|
|                 |                            | 10 %.                           | 75 %  |                          |                          | 1-чи                              | 2-чи  | 3-чи  | 4-чи  | сони               | %   |
| 1 июл           | 150                        | 3,07                            | 05,7  | 130                      | 86,7                     | 7,07                              | 9,07  | 12,07 | 16,07 | -1                 | 0,7 |
| 10 июл          | 150                        | 13,07                           | 16,07 | 131                      | 87,4                     | 18,07                             | 20,07 | 23,07 | 27,07 | -                  | -   |
| 20 июл          | 150                        | 23,07                           | 25,07 | 134                      | 89,4                     | 26,07                             | 28,07 | 22,07 | 16,07 | 3                  | 2,2 |
| 1 август        | 150                        | 4,08                            | 6,08  | 136                      | 90,7                     | 8,08                              | 11,08 | 14,08 | 18,08 | 5                  | 3,8 |

Пекин карами уруғлари турли муддатларда, экилган кундан бошлаб ҳамма муддатларда ўртача 3-4 кун ўтгач 10 фойз миқдорида униб чиқди ва 5-6 кундан кейин эса барча муддатларда 75 фойзи униб чиқанлиги кузатилди.

Пекин карамини турли муддатларда экилганда, назорат вариантга нисбатан 20 июл ва 1 август муддатида экилганлари бир мунча кўпроқ бўлди.

Пекин карами уруғларини 1 август муддатида экилганда уларни уруғларнинг униб чиқишини, 10 июл муддатида экилган муддатга таққосланганда униб чиқан уруғлар сони 5 донага кўплиги ёки 3,8 фойзга ортиқлиги аниқланди.

Ўтказилган фенологик кузатувларда ўсимликларнинг турли муддатларда ўстирилганда карам бошларини шаклланиш муддати ҳам турлича бўлганлиги кузатилди.

|                                                                                                                                                                                  |     |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>ОЧИҚ МАЙДОНЛАРДА САБЗАВОТЛАРНИ НООДАТИЙ УСУЛДА ЕТИШТИРИШ</b><br><i>С.А.Юнусов</i>                                                                                             | 80  |
| <b>ШАХСИЙ ТОМОРКАЛАРДА ЛИМОН ЕТИШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ</b><br><i>Ж.Ғ.Абдушукuroв, Н.З.Фахрутдинов</i>                                                            | 82  |
| <b>ОЛМА НАВЛАРИ КЎЧАТИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ВЕГЕТАТИВ ПАЙВАНДТАГЛАРНИ ТАЪСИРИ</b><br><i>И.Т.Нормуратов, И.Ч.Намозов, У.Мирзаев</i>                                         | 84  |
| <b>ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН ШИРИН ҚАЛАМПИРНИ ЎСИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ СХЕМАСИ ВА КЎЧАТ ЁШИНИНГ ТАЪСИРИ</b><br><i>О.Қодирходжаев, Ф.Расулов, Д.М.Якубова</i>    | 86  |
| <b>НАУЧНЫЙ ПОДХОД ОБРАБОТКИ ФРУКТОВ И ОВОЩЕЙ ПОЛИМЕРНЫМИ ПОКРЫТИЯМИ НА ОСНОВЕ ХИТОЗАНА ДЛЯ УВЕЛИЧЕНИЯ СРОКА ИХ ХРАНЕНИЯ</b><br><i>Ф.Т.Абдуллаев, Т.В.Дубовик, И.Х.Холмирзаев</i> | 88  |
| <b>ТЕХНОЛОГИЯ ВЫРАЩИВАНИЯ САЖЕНЦЕВ ВИНОВАРДА МЕТОДОМ INVITRO</b><br><i>К.С.Султанов, Н.Ш.Енилеев, З.Нуриддинов</i>                                                               | 89  |
| <b>ОСОБЕННОСТИ ПОЛУЧЕНИЯ ВЫСОКОКАЧЕСТВЕННЫХ САЖЕНЦЕВ ВИНОВАРДА МЕТОДОМ IN VITRO</b><br><i>К.С.Султанов, Н.Ш.Енилеев, З.Нуриддинов</i>                                            | 92  |
| <b>УРУҒЛИК ТУГАНАКЛАРИНИ УНДИРИШ УСУЛЛАРИНИ ЭРТАГИ КАРТОШКА ЎСИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ</b><br><i>Ж.Тўраев, О.Қодирходжаев, Д.Якубова</i>                                    | 94  |
| <b>ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ХУДУДЛАРИДА МАЙИЗБОП УЗУМ НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ</b><br><i>М.И.Одинаев, Ш.Э.Умидов</i>                                                             | 97  |
| <b>ТОКЗОРЛАРДАН СИФАТЛИЙ УЗУМ ОЛИШДА МУҲУМ ТАДБИРЛАР</b><br><i>М.М. Мирзаев, М.И.Одинаев</i>                                                                                     | 99  |
| <b>“СОВУҚ ЗАНЖИР” ТИЗИМИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ</b><br><i>Ш.Э.Умидов, Ш.Юлдошева, Б.Абдуллаев</i>                                                                                      | 100 |
| <b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШДА “СОВУҚ ЗАНЖИР” ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ</b><br><i>Ш.Э.Умидов, Т.Норматов</i>                                  | 102 |
| <b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР АСОСИДА ЕТИШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ</b><br><i>Ш.Э.Умидов, Э.Х.Бердимуродов, А.Ч. Маматраимов</i>                         | 104 |
| <b>ОШ ЛАВЛАГИНИНГ ФОЙДАЛИ ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ ҚУРИТИШ</b><br><i>М.Б.Мирсултонов</i>                                                                                              | 107 |
| <b>ГИЛОС ПАЙВАНДТАГЛАРИНИ ЯШИЛ ҚАЛАМЧАДАН ЖАДАЛ КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ</b><br><i>З.А.Абдикаюмов, З.А.Дехқонова, С.Юсупов</i>                                                  | 108 |
| <b>ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ШАРОББОП УЗУМ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ БИОКИМЁВИЙ ТАҲЛИЛИ</b><br><i>Н.Ч.Наркабулова</i>                                                                                | 110 |
| <b>ВИРУССИЗ УРУҒЛИК КАРТОШКА ЕТИШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ</b><br><i>С.Ашурова, Ф.Расулов, Д.Турсунов</i>                                                               | 114 |
| <b>ПРОИЗВОДСТВО ВЫСОКОКАЛОРИЙНЫХ ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТОВ ИЗ УЗБЕКСКИХ СОРТОВ ДЫНЬ</b><br><i>О.О.Рахматов, Ф.О.Рахматов, Ж.Н.Равианов</i>                                               | 116 |
| <b>ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ ЛИНИИ ПО ПРОИЗВОДСТВУ ВЯЛЕННОЙ ДЫНИ</b><br><i>О.О.Рахматов, Ф.О.Рахматов, С.Х.Исликов</i>                                         | 118 |
| <b>ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛИ</b><br><i>З.С.Искандаров, З.З.Джамалов, Г.М.Абдиева</i>                                              | 121 |